

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” КАФЕДРАСИ

“Молиявий ҳисоб” фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қимматли қоғозлар
ҳисоби”

**“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ
ЭТИЛАДИ”**

Илмий
рахбар _____

асс.З.У.Ташкенбаева

БАЖАРДИ:

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
таълим йўналиши БРУ-67
гуруҳ талабаси Музаффаров
А.

“ ____ ” _____ 2014 й

“ ____ ” _____ 2014 й.

ТОШКЕНТ – 2014

Режа

Кириш

1. Қимматли қоғозларнинг моҳияти, аҳамияти ва иқтисодиётда тутган ўрни
2. Қимматли қоғозлар ҳисобини ташкил этишнинг мақсади, вазифалари ҳамда услубий асослари
3. Бухгалтерия ҳисобида қимматли қоғозларни ҳисобга олиш амалиёти
4. Қимматли қоғозларга қилинган молиявий қўйилмалар ҳисоби ва уларнинг ҳисоботларда акс этирилиши

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган давр мобайнида унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, бозор муносабатларининг ривожланиши учун ҳуқуқий базанинг яратилиши, демократик жамият қуриш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамятига интеграциялашув жараёнининг жадаллашувига асос яратди.

Айнан иқтисодиётнинг тараққиёт даражасини белгилашда ҳамда ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланишида қимматли қоғозлар бозори муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ва унинг ролининг иқтисодиётни мувофиқлаштирувчи механизм сифатида кучайиб бориши билан биргаликда қимматли қоғозларнинг долзарблиги ҳам ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда қонунчилик асосларини такомиллаштириш, компанияларининг халқаро интеграциялашган қимматли қоғозлар бозорларига чиқишини рағбатлантириш, акциядорлик капитали тузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорининг рақобатбардош институтларини яратиш устувор вазифаларимиздан ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳукуватимиз томонидан қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси етарлича яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»¹ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу йуналишдаги Қарорлари ва Президент фармонларининг қабул қилиниши бунга яққол мисол бўла олади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республикаимизда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида қулай инвестицион муҳитни шакллантириш муҳимдир.

Юртбошимиз И.А. Каримов маърузасида: “2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди.

¹Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни Тошкент ш., 2008 йил 22 июль, ЎРҚ-163-сон

Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир”² дея таъкидлаб ўтди.

Қулай инвестицион шароитда хўжалик юритувчи юритувчи субъектлари фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллигини ошириш иқтисодиётимизнинг бош мақсадларидан ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришишда қимматли қоғозлар билан боғлиқ муоамалаларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимини янада такомиллаштириш, бунда жаҳон тажрибасини ўрганиш ва тадбиқ қилиш долзарбдир.

Ана шу нуқтаи-назардан, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик субъектларида қимматли қоғозлар ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган услубий муаммоларини ечиш ва уларнинг иқтисодий ислохотларни янада фаоллаштиришдаги ўрнини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш, қимматли қоғозлар ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш ва уни амалдаги қонунчилик асосида такомиллаштириш курс иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

² Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. -Т.: Ўзбекистон. 2014. - 36 б.

1. Қимматли қоғозларнинг моҳияти, аҳамияти ва иқтисодиётда тутган ўрни

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, «**қимматли қоғозлар** — ҳужжатлар бўлиб, улар бу ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фойизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутди»³.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”нинг 96-моддасида “**қимматли қоғозлар** - мулкӣ ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади”⁴.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши қимматли қоғозлар бозорига бўлган муносабатнинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилаётган бугунги кунда, ушбу масаланинг долзарблиги кескин ошди. Чунки, айнан қимматли қоғозлар кўп жиҳатдан қийматнинг қайтиш ҳаракати самарадорлигини ошириш, мулкчилик шаклининг ўзгариши, уни хусусий эгаликка топшириш муаммоларини ечишнинг калити ҳисобланади.

Айрим давлатларнинг меъёрий ҳужжатларида қимматли қоғозлар ҳужжат эгасининг бундай ҳужжатларни чиқарган шахсга нисбатан мулкӣ ҳуқуқларини ёки қарз муносабатларини тасдиқловчи пул ҳужжати сифатида тўлиқ таърифланмаган.

Ҳуқуқӣ нуқтаи назаридан, анъанавӣ тарзда қимматли қоғозлар анча кенг маънода кўриб чиқилади - яъни булар мулкӣ ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, уларни тақдим этган тақдирдагини мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсга бериш мумкин бўлади. Бу маънода қимматли қоғозларга қуйидагилар киради: облигациялар, векселлар, чеклар, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунда ҳамда “Фуқаролик кодекси”да келтирилган қимматли қоғозларнинг турлари ва таърифи бир-биридан кескин фарқ қилади (1-чизма).

³Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни Тошкент ш., 2008 йил 22 июль, ЎРҚ-163-сон

⁴Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1996й.

Қимматли қоғозларнинг таснифи



⁵ Ўзбекистон республикаси "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси маълумотлари асосида тузилди.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, одатда, муомалада бўладиган қимматли қоғозлар тушунчаси ва уларнинг турлари қонун ҳужжатларда белгиланади. Айнан шу тартиб бизнинг қонунчилигимизни ҳам четлаб ўтмаган. Юқорида келтирилган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, ҳамда Фуқоролик Кодексида келтирилган қимматли қоғозларни, шунингдек, қонун ҳужжатларида келтирилган бўлмасда, хатолик билан улар турига олиб бориладиган молиявий активларни қуйидаги иккита гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ. Бу уларни чиқарган ва муомалада бўлиши шартлари Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинадиган қимматли қоғозлардир. Булар акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари, векселлар, ҳосила қимматли қоғозлар киради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик Кодексига биноан, ушбу гуруҳга чеклар, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчалари, коносаментларни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ. Қимматли қоғозлар бўлмаган, аммо кўпинча хатолик билан улар жумласига киритиладиган молиявий активлар, яъни банк кредитини олишни тасдиқловчи ҳужжатлар, қарз тилхатлари, васиятномалар, суғурта полислари киради.

Мамлакатимизда қимматли қоғозларнинг энг кўп тарқалган тури бу акция ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, акция амал қилиш муддати белгиланмаган, ҳуқуқий ёки жисмоний шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектининг устав капиталига муайян улуш қўшганлиги, акция эгасининг ушбу субъект мулкидаги иштирокини тасдиқлайдиган ҳамда унга дивиденд олиш ва одатда, шу субъектни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғоз ҳисобланади.

Республикаимизда қимматли қоғозларнинг бошқа энг кўп тарқалган турларидан бири бу - облигациялар ҳисобланади. Айланиш тарзига кўра, облигациялар оддий ва конвертацияланадиган ҳилларига бўлинади.

Ҳарб мамлакатларида облигацияларнинг махсус тури - шахар ёки жамоат лойиҳалари (йўллар, кўприклар, аэропортлар қурилиши)ни маблағ билан таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан муниципал облигациялар муомалага чиқарилади. Бундай облигациялар бўйича фоизлар одатда федерал солиққа тортилмайди, шунинг учун уларни инвесторлар бажонидил сотиб олишади.

Давлат қисқа муддатли облигациялар бозори ҳозирги вақтда республикаимиз молия бозорининг юқори истиқболли, динамик ривожланаётган секторларидан ҳисобланади. Шу билан бирга давлат қисқа муддатли облигациялари - хатарсиз, юқори даромадли қимматли қоғоз ҳисобланиб, давлат бюджетини молиялаштиришнинг энг қулай манбаи ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда давлат облигациялари банклар ва бошқа молиявий институтлар учун асосий молиявий қуролларидан бири ҳисобланиб, юқори ликвидли қимматли қоғоз ҳисобланади.

Давлат қисқа муддатли облигацияларининг асосий хусусиятларидан бири шундан иборатки, улар бўйича фоиз туловлари амалга оширилмайди, балки облигациялар номинал қийматидан паст баҳода (дисконт) сотилиб, номинал баҳода қопланади, яъни бундай облигациялар ноллик купонлидир. Улар бўйича даромад қоплаш баҳоси (сотиш) ва харид қилиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Облигацияларнинг даромадлилигини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Оддий фоизли усул бўйича:

(номинал фоиз ставка)

$$Д = ((Б \text{ сот} - Б \text{ олиш}) / Б \text{ олиш}) * 365 / Т \text{ муом} * 100\%$$

2. Мураккаб фоизли усул бўйича:

(самарали йиллик ставка)

$$Д = ((1 + (Б \text{ сот} - Б \text{ олиш}) / Б \text{ олиш}) * 365 / Т \text{ муом} - 1) * 100\%$$

Фонд бозорида қимматли қоғозларнинг бошқа турлари: хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари, шунингдек, ҳосила қимматли қоғозлар (опцион, варрант, фьючерс) ҳам муомалада бўлади.

Таъкидлаш жоизки, қимматли қоғозларнинг моҳияти улар бажариши лозим бўлган функцияларида номоён бўлади. Қимматли қоғозлар бозорига ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозларнинг бажариши лозим бўлган қуйидаги функциялари эътироф этилган: инвестиция, рағбатлантирувчи, хусусийлаштирувчи, инфляцияга қарши турувчи, ижтимоий ҳимоя қилувчи функциялари:

- қимматли қоғозларнинг инвестиция функцияси моҳияти шундан иборатки, қимматли қоғозлар айрим олинган тармоқда вужудга келиши мумкин бўлган капитал қўйилмалар ва молиявий тақчилликнинг олдини олишга ёрдам беради; замонавий техникалар билан қайта қуроллантиришга имкон яратади; бозор инфраструктура объектларининг бир меъёردа ишлашини таъминлайди.

- рағбатлантирувчи функцияси, қимматли қоғозларнинг деярли ҳаммаси даромад келтиришида номоён бўлади. Шунини қайд қилиш лозимки, қимматли қоғозларнинг турларига қараб, даромад тури, миқдори ҳам ўзгариб боради. Масалан, облигация эгасини эмитентининг молиявий-хўжалик фаолияти деярли қизиқтирмайди, чунки облигациянинг ҳар бир купонда белгиланган даромадни эмитент белгиланган тартибда молиявий фаолияти натижасидан қатъий назар облигация эгасига тўлаб бориши лозим. Акция эгаси эса шу хўжалик юритувчи субъектининг эгаси қўлидаги акция сонига нисбатан ҳисобланиб, хўжалик юритувчи субъектининг фаолиятига бевосита жавобгар ва фойда миқдори ўсишидан манфаатдордир. Хўжалик юритувчи субъекти қанча кўп даромад олса, акция эгаси оладиган даромад (дивиденд)

шунча кўп, аксинча бўлса даромад ҳам шунча кам ёки умуман бўлмаслиги мумкин.

- қимматли қоғозларнинг инфляцияга қарши турувчи функцияси мазмуни қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағларни юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотиб олишга, самарали лойиҳаларни жорий қилишга, номоддий активлар ва кўчмас мулк сотиб олишга сарфланишидан иборатдир. Бинобарин, қимматли қоғознинг эмитентлари, шу қимматли қоғознинг эгасига даромад тўлар экан, ўз-ўзидан маълумки, эмитент ушбу маблағдан самарали фойдаланмаса иқтисодий тангликка юз тутишини яхши тушунади, шунинг учун қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағдан эмитентга ҳам, инвесторга ҳам уларни қониқтирадиган фойда миқдорини таъминлайдиган йўналишларгагина сарфланиши лозим.

- қимматли қоғозларнинг хусусийлаштирувчи функцияси энг тарқалган ва бозор иқтисодиётига ўтган, ўтаётган мамлакатларнинг деярли барчасида қўлланилган ёки қўлланилмоқда. Қимматли қоғозларнинг бу функцияси мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва мамлакат иқтисодиётида кўп мулкчиликни ривожлантиришнинг асосий элементидир. Қимматли қоғозларнинг бу функцияси турли хил чекларни чиқариш йўли билан амалга оширилган, яъни, даставвал хусусийлаштириш лозим бўлган объектнинг умумий суммаси аниқланади, сўнгра шу суммага бир хил номинал қийматга эга бўлган қимматли қоғозлар чиқарилади.

- қимматли қоғозларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш функцияси моҳияти шундан иборатки, ишчилар мулкка эга бўлиши билан бир қаторда, бозор иқтисодиётининг ижтимоий-психологик шароитларига ҳам кўникиб боришади. Собиқ Англия ҳукумати бошлиғи Маргарет Тетчер, қимматли қоғозларга асосланиб ўтказилган Буюк Британиядаги иқтисодий ислохатдан кўзланган асосий мақсад, давлат миқёсида даромадни кўпайтириш эмас, балки хусусий мулк эгалари сонини кескин ошириш деган эди.

Юқорида санаб ўтилган қимматли қоғозларнинг бу 5 та функцияси ўзаро узвий боғланган бўлиб, қимматли қоғозлар бажариши лозим бўлган асосий вазифанинг турли томонларини акс эттиради.

Қимматли қоғозларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- Давлат қимматли қоғозлари: хазина векселлари, жамғарма сертификатлар, облигациялар;
- корпоратив қимматли қоғозлар: облигация, ордер, ҳуқуқ, фьючерс, опцион;
- акциядорлик жамияти: оддий ва имтиёзли акция, корхона ва меҳнат жамоаси акцияси, облигация.

Баъзи ҳолларда қимматли қоғозларни таснифлаш учун даромадлиқ кўрсаткичидан фойдаланиш лозим бўлади. Унга кўра, қимматли қоғозлар уч турга бўлинади:

- ◆ оддий: оддий ва имтиёзли акция;

- ◆ қарзлы мажбуриятлар: вексел, облигация;
- ◆ оддий ва қарзлы мажбуриятли қимматли қоғозлар: ҳосила қимматли қрғозлар: ҳуқуқ, ордер, опцион, фьючерс ва шу кабилар.

Қимматли қоғозлар маълум бир маънода товар ҳисобланади, у ўз қийматига ва истеъмол қийматига эга. Ушбу алоҳида товарнинг қиймати бир қанча омилларга боғлиқ, масалан, улар тамонидан келтириладиган даромаднинг ҳажми, ссуда фоизининг меъёри, нисбатан юқори курс буйича сотилиши мумкинлиги, корхонани бошқаришда иштирок этиш имконияти ва ҳоказолар. Қимматли қоғозлар турлари ва таснифи бўйича юқорида келтирилган иқтисодчи олимларнинг фикрлари ва ёндашувларни умумлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фонд бозоридаги қимматли қоғозлар турлари ва улар билан амалга ошириладиган жараёнларнинг турличалигини инобатга олиб, ягона бир таснифни келтириш имконияти деярли йўқ. Бироқ, бундай таснифни белгилар асосида амалга ошириш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қимматли қоғозларнинг турлари, таснифланиши ва гуруҳланиши иқтисодиётда муҳимдир. Шунингдек, уларнинг хўжалик юритувчи юритувчи субъектларида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

2. Қимматли қоғозлар ҳисобини ташкил этишнинг мақсади, вазифалари ҳамда услубий асослари

Мамлакатимизда олиб борилаётган демократик тамойилларга асосланган иқтисодий сиёсатнинг туб мақсади, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган кучли жамият барпо этишдан иборатдир.

Иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларидан бири этиб халқаро миқёсда тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқалар ўрнатиш белгилаб олинди. Бу эса мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам халқаро миқёсида умумқабул қилинган тамойиллар асосида ташкил қилиш ва такомиллаштириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий тарихида қисқа даврда ривожланган давлатлар иқтисодиёти учун хос бўлган қимматли қоғозлар бозори шакллантирилди, галдаги вазифа уни ривожлантиришдан иборат. Жумладан, бугунги кунда қимматли қоғозлар ҳисобини ва услубий асосларини тўғри ташкил этиш долзарб вазифалардандир.

Қимматли қоғозлар ҳисобининг мақсади, хўжалик юритувчи субъектда қимматли қоғозлар билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттиришдир. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

- қимматли қоғозлар билан боғлиқ хўжалик муомалаларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри акс эттирилишини таъминлаш;
- қимматли қоғозларни тоифалари бўйича тўғри туркумланишини таъминлаш;
- қимматли қоғозларни баҳолаш ва қайта баҳолаш муомалаларини тўғри амалга ошириш;
- қимматли қоғозлардан олинган даромадларни тўғри ҳисобга олиниши, солиққа тортилиши ва молиявий ҳисоботларда тўғри кўрсатилишини таъминлаш;
- турли тоифадаги қимматли қоғозларни чиқиб кетиши муомалаларини тўғри акс эттирилишини таъминлаш;
- қимматли қоғозлар билан боғлиқ хўжалик муомалаларини миллий ва халқаро стандартлар талаби асосида ёритилишини таъминлаш.

Қимматли қоғозларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимини янада ривожлантириш, жаҳон тажрибаларидан унумли фойдаланиш, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонунлар, фармоишлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бу тизимга самарали тадбиқ этиш долзарбдир. Жумладан, ушбу фаолиятни тартибга солувчи бир қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи юритувчи субъектларида қимматли қоғозларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда қуйидаги қонуний ва меъёрий ҳужжатларга асосланади:

**Қимматли қоғозлар ҳисобини юритишни тартибга солувчи
меъёрий ҳужжатлар**

№	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар
1	Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 2011 йил ҳолатига ўзгартиришлар билан. 1996 йил 29 августда 257-1- сонли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори билан 1997 йил 1 мартдан кучга кирган.
2	Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. 25.12.2007й қабул қилинган, кучга кириш санаси 01.01.2008й.
3	Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни. 1996 йил 30 августда тасдиқланган.
4	Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 майда тасдиқланган.
5	Ўзбекистон республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” ги Қонуни. 2008 йил 22 июлда тасдиқланган.
6	Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартлари
7	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги Низом».
8	21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш ҳақида йўриқнома». 2002 йил 9 сентябрда 103-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.
9	Молиявий ҳисобот шакллари, 2002 йил 27 декабрда ЎзР молия вазирлигининг 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг вужудга келиши ва ривожланиши нафақат янги молиявий курулларнинг вужудга келишига, балки қимматли қоғозлар жараёнлари билан боғлиқ, эмиссия, бирламчи жойлаштириш, листинг, котировка, иккиламчи бозорда савдо-сотиқ битимларини амалга ошириш, қимматли қоғозлар портфелини сақлаш ва шакллантириш каби жараёнларнинг ҳам амалга оширилишида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари айниқса, хўжалик юритувчи субъектлари амалиётдаги молиявий битимларнинг кўплигини тўғри англаш ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида тўғри акс эттиришлари муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маълумотлардан фойдаланувчилари учун корхона молиявий фаолияти тўғрисида маълумотларга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ушбу маълумотлардан фойдаланувчилар, айниқса акциядорлар ўзларининг манфаатлари нуктаи назаридан келиб чиқиб, тегишли бошқарув қарорларни қабул қилишда фойдаланиши лозим.

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ муомалалар ҳисобини юритишнинг мақсади қуйидагилар:

- қимматли қоғозлар билан боғлиқ хўжалик муомалаларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри акс эттирилишини таъминлаш;
- қимматли қоғозларн тоифалари бўйича тўғри туркумланишини таъминлаш;
- қимматли қоғозларни баҳолаш муомалаларини тўғри амалга ошириш;
- қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларни тўғри ҳисобга олиниши, солиққа тортилиши ва молиявий ҳисоботларда тўғри кўрсатилишини таъминлаш;
- турли тоифадаги қимматли қоғозларни чиқиб кетиши муомалаларини тўғри акс эттирилишини таъминлаш;

қимматли қоғозлар билан боғлиқ муомалаларни миллий стандартлари талаби асосида очиб берилишини таъминлаш.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида турли мулкчилик шакллари асосида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлари олдида қатор муҳим вазифаларни қўймоқда. Жумладан:

- кучли бозор рақобати шароитида ўзининг манфаатига тўла мос келадиган ҳамкорни қидириб топиш;
- молиявий маблағларни самарали бошқариш йўналишларини белгилаб олиш;
- фаолият доирасини кенгайтиришни молиялаштиришда ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш ва шу кабилар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона молиявий ҳисоботи ҳисоб маълумотлари йиғиндисига асосланган бўлиб, корхонанинг маълумот фойдаланувчилари ўртасидаги ўзига хос боғловчи сифатида маълумотлар бўғини ҳисобланади. Таҳлил учун маълумот манбаи сифатида фақатгина бухгалтерия ҳисоботи эмас балки статистика ва бошқа маълумотлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда таҳлил олдида шундай талаб қуйилиши керак, зеро у умумўрнатилган (қонуний ва меъёрий) тартиб доирасидан чиқмаган ҳолда барча маълумот фойдаланувчилар манфаатига тўғри келсин.

3. Бухгалтерия ҳисобида қимматли қоғозларни ҳисобга олиш амалиёти

Бугунги кунда қимматли қоғозлар билан боғлиқ муомалалар ҳисобини юритишнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси етарлича ишлаб чиқарилган. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонун, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши яққол мисолдир.

Хукуматимиз томонидан инвестицияларни киритиш ва қимматли қоғозларни шакллантиришга оид ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилиши корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга қаратилган.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Хўжалик юритувчи субъектлари ўз бўш маблағларини қимматли қоғозлар, давлатнинг қарз мажбуриятларини сотиб олиш, бошқа корхоналарнинг устав капиталида қатнашиш, биргаликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш каби йўналишларга сарф қилишлари мумкин.

Юқорида келтирилган ҳолатлар хўжалик юритувчи субъектларда қимматли қоғозлар ҳисобини юритишга бевосита ўз таъсирини ўтказди. Республикамизда корхоналарнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ хўжалик муомалалари ҳисоби асосан бухгалтерия ҳисобининг «Молиявий қўйилмалар ҳисоби» деб номланган 12-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти воситасида юритилади. Шу билан биргаликда, қимматли қоғозлардан тушган даромадларни тан олиш, шўъба корхоналарга инвестициялар қилиш, биргаликдаги фаолиятга қилинган инвестицияларни ҳисобга олиш каби айрим хўжалик муомалалари эса, «Асосий хўжалик фаолиятининг даромадлари» деб номланган 2-сонли, «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва шўъба корхоналарга қилинган инвестициялар ҳисоби» деб номланган 8-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ёрдамида тартибга солинади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлари талабларига биноан хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган инвестициялар қўйилган вақтига кўра⁶:

- *узоқ муддатли инвестициялар;*
- *қисқа муддатли инвестицияларга бўлинади.*

Бир йилдан ортиқ муддатда даромад олишни мақсад қилиб турли объектларга йуналтирилган молиявий қўйилмалар узоқ муддатли

⁶ Абдуллаев А., Мўминов Э., Юсупова М., Солиев Б., Рустамов Қ. Молиявий ҳисоб. Дарслик.-Т.: “Фан ва технология нашриёти”, 2005, 288 бет.

инвестициялар деб аталади. Қисқа муддатли инвестициялар эса бир йилдан кам бўлган муддатда даромад олишни кўзда тутган активларга йуналтирилган қўйилмалардан иборат бўлади. Бухгалтерия ҳисобининг стандартлари талабларига биноан ўзларининг ҳисоб сиёсатида узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни ажратиб кўрсатишни лозим деб топган корхоналар узоқ муддатли инвестицияларни баланснинг «узоқ муддатли активлар»и таркибида, қисқа муддатли инвестицияларни эса «жорий активлар»и таркибида кўрсатишлари лозим.

Хўжалик субъектида 0610 "Қимматли қоғозлар" счётида давлат фоизли облигациялари ва маҳаллий қарзлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга қилинган узоқ муддатли инвестиция (қўйилма)ларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Шунингдек, 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш ҳақида йўриқнома»га мувофиқ, 0620 "Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар", 0630 "Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар", 0640 "Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар" счётларида тегишли чет эл капитали мавжуд бўлган шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қилинган узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олиш баҳосида 0610 "Қимматли қоғозлар" счётининг дебетида ушбу қўйилмалар ҳисобига берилган қийматликлар ҳисобга олинadиган счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

Агар корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва шу каби бошқа қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ қисми ҳисобдан чиқарилади. Бунда 9690 "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар" счётининг дебети ва 0610 "Қимматли қоғозлар" счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади. Корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва шу каби бошқа қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қисми қўшимча ҳисобланади. Бунда 0610 "Қимматли қоғозлар" счётининг дебети ва 9590 "Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари" счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган ҳар иккала ҳолатда ҳам қимматли қоғозларни қоплаш муддати келганда 0610 "Қимматли қоғозлар" счётида ҳисобга олинган баҳо номинал қийматга тўғри келиши лозим.

Қимматли қоғозлар бўйича фоизлар (дивидендлар) ҳисобланганда 4830 "Олинadиган фоизлар" ёки 4840 "Олинadиган дивидендлар" счётининг дебети ва 9530 "Фоизлар кўринишидаги даромадлар" ёки 9520 "Дивидендлар

кўринишидаги даромадлар" счётларининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу инвестициялар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, корхона иштирокчиси ҳисобланган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва шу кабилар) бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва хориждаги объектларга қилинган узоқ муддатли инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим. (2-жадвал)

Хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қилинган қисқа муддатли (бир йил муддатдан кўп бўлмаган) инвестициялари (қўйилмалар) давлат қарзларининг фоизли облигациялари, бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқаларнинг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

2-жадвал

Узоқ муддатли қимматли қоғозларни ҳисобга олишда счётларнинг боғланиши⁷

Т/ р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Сотувчи корхонага асосий воситаларни бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш	0610	9210
2	Сотувчи корхонага номоддий активлар ва материаллар бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш	0610	9220
3	Сотувчи корхонага маҳсулот, товар, иш, хизматларни бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш	0610	9010, 9020, 9030
4	Сотувчи корхонага ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш	0610	9220
5	Қимматли қоғозлар узоқ муддатли инвестициялар сифатида текинга олинганда	0610	8530
6	Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари	0610	5010-5530

⁷21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш ҳақида йўриқнома». 2002 йил.

	харид қилинганда		
7	Дебиторлик қарзлари ҳисобига қимматли қоғозларнинг харид қилиниши	0610	Олинадиган счётлар
8	Қисқа муддатли инвестициялар таркиби ўзгартирилганда (реструктуризация)	0610	5810-5890
9	Таъсисчиларнинг корхона устав капиталига уларнинг улуши сифатида берилган қимматли қоғозларнинг қиймати	0610	4610
10	Корхона қимматли қоғозларга тегишли ҳуқуқлар унга ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома олди	0610	6990, 7920
11	Қимматли қоғозларнинг харид ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқ: а) номинал қиймати харид қийматидан юқори б) харид қиймати номинал қийматдан юқори	0610 9690	9590 0610
12.	Чет эл валютасидаги узок муддатли инвестициялар билан боғлиқ операциялар бўйича курс фарқлари: Ижобий Салбий	0610 9620	9540 0610
13	Узок муддатли инвестицияларни: а) шўъба хўжалик жамиятларида; б) қарам хўжалик жамиятларида; в) чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарда акс эттириш.	0620 0630 0640	9010-9030, 9210-9220
14	Узок муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг қопланиши (сотиб олиниши)	5110- 5530	0610
15	Узок муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг сотилиши	9220	0610

- 5810 “Қимматли қоғозлар”;
- 5820 “Берилган қисқа муддатли қарзлар”;
- 5890 “Бошқа жорий инвестициялар”.

Корхонада 5810 “Қимматли қоғозлар” счётида акцияларга, давлат қарзларининг фоизли облигацияларига ва бошқа қимматли қоғозларига кўйилган қисқа муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Облигация ва бошқа қимматли қоғозлар 5810 “Қимматли қоғозлар” счётига сотиб олиш қийматида қирим қилинади.

Корхонада акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши 5810 “Қимматли қоғозлар” счётининг дебетида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар ва агар қимматли қоғозлар учун тўлов

моддий ёки бошқа қийматликлар (пул маблағларидан ташқари) орқали амалга оширилса, моддий ва бошқа қийматликларнинг сотилишини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида ҳисобга олинади.

Агар сотиб олинган облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг сотиб олиш баҳоси уларнинг номинал қийматидан фарқ қилса, у ҳолда сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқни 5810 “Қимматли қоғозлар” счётида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг баҳоси уларни қоплаш даврида номинал қийматига мувофиқ бўлиши лозим. Сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қопланадиган вақтгача бўлган даврда 5810 “Қимматли қоғозлар” счётининг дебети (қўшимча ҳисоблаш)да ёки кредити (ҳисобдан чиқариш) да, 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари” ёки 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” счётлари билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (5800) бўйича аналитик ҳисоб қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, омонатлар ва хоказолар) бўйича юритилади. (3-жадвал)

3-жадвал

Қисқа муддатли қимматли қоғозларни ҳисобга олувчи счётларнинг боғланиши

Т/ р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Қимматли қоғозлар маҳсулотлар, товарлар, иш, хизматларни бериш йўли билан харид қилинди	5810	9010-9030
2	Қимматли қоғозлар асосий воситалар ва бошқа активларни бериш йўли билан харид қилинди	5810	9210, 9220
3	Узоқ муддатли инвестицияларнинг таркибий ўзгариши (реструктуризация) амалга оширилди	5810	0610
4	Қимматли қоғозлар нақд пулга харид қилинди	5810	5010
5	Қимматли қоғозлар қиймати банкдаги счётдан тўланиши орқали харид қилинди	5810	5110-5530
6	Харидорларга ссуда маблағларининг векселда берилиши	5810	5110-5530
7	Акцияларнинг тўлов сифатида қимматли қоғозларнинг келиб тушиши	5810	4610
8	Қимматли қоғозларни сотилиши	5110	5810
9	Корхонанинг қарзи қимматли қоғозлар билан қопланиши	6990	5810
10	Мажбуриятлар учун гаров сифатида	6010	5810

	акцияларнинг берилиши		
11	Харидорга вексел суммасига даъво билдирилиши	4860	5810
12	Даъво муддати тугаганлиги туфайли вексел бўйича қарзни зарар ҳисобига чиқариш	9690	5810
13	Инвентаризация натижасида қимматли қоғозларнинг камомади	4730	5810
14	Қисқа муддатли қарзларнинг асосий восита ва бошқа активлар кўринишида берилиши	5830	9210, 9220
15	Қисқа муддатли қарзларнинг тайёр маҳсулот, товар, иш, хизматлар кўринишида берилиши	5830	9010-9030
16	Бошқа корхоналар томонидан қисқа муддатли қарзларнинг қайтарилиши	5110	5830

5810 “Қимматли қоғозлар” счётида ҳисобга олинган облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг қопланиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва 5810 “Қимматли қоғозлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Корхонада 5820 “Берилган қисқа муддатли қарзлар” счётида корхонанинг бошқа корхоналарга қисқа муддатга берган пулли ва бошқа қарзларининг ҳаракати ҳисобга олинади. Берилган қарзлар 5820 “Берилган қисқа муддатли қарзлар” счётининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Қарзларнинг қайтарилиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва 5820 “Берилган қисқа муддатли қарзлар” счётининг кредитида акс эттирилади.

Қимматли қоғозлардан олинadиган даромадлар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида таъкидлаб ўтилганидек, фоизлар, роялти, дивидендлар, узоқ ва қисқа муддатли ижара сифатидаги инвестициялар бўйича ижара ҳақи ҳамда инвестицияларни сотиш натижасида олинган фойда сифатида юзага келади. Хўжалик юритувчи субъект ўз маблағларини банкка депозитга қўйиш, қарз бериш ёки облигациялар каби қарз қоғозларини сотиб олиш вақтинчалик кераксиз активларни ижарага бериш орқали фоиз кўринишидаги даромадга эга бўлади. Ушбу йўналишлар бўйича даромад ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дт «Ҳисобланган фоизлар»

Кт «Фоиз кўринишидаги даромад»

Роялти кўринишидаги даромад деб, корхонани савдо белгиси ёки бошқа турдаги ҳуқуқини ўзга кимсаларга маълум вақтга, маълум ҳақ эвазига фойдаланиш учун берилиши натижасида олинган даромадга айтилади. Даромад ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви расмийлаштирилиши лозим:

Дт «Роялти ва гонорарлар бўйича олинadиган ҳисобварақлар»

Кт «Роялти бўйича даромадлар»

“OZTUNC” ЧС МЧЖ ўзга корхоналарнинг акцияларига «қиймат» ёки «улушда қатнашиш» усулида инвестиция қилиши мумкин. Қиймат усулида инвестиция қилинганда корхона бошқа акциядорлар каби фақат дивидендга даъвогарлик қилиши мумкин. Улушда қатнашиш усулида эса инвестиция қилган корхона ҳам дивидендга, ҳам соф фойданинг тегишли қисмига даъвогарлик қила олади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қимматли қоғозлар ҳисоби тизимини янада такомиллаштириш, ушбу фаолиятдан кўриладиган молиявий натижаларни тўғри аниқлаш имкониятини беради ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда ишончли маълумот манбини яратади.

4. Қимматли қоғозларга қилинган молиявий қўйилмалар ҳисоби ва уларнинг молиявий ҳисоботларда акс эттирилиши

Хўжалик юритувчи субъектларнинг турли хил фонд воситаларига (қимматли қоғозлар) маблағларни қўйишнинг инвестиция мақсади нуқтаи назаридан самаралисини танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, маблағни инвестициялашдан кўзланган асосий мақсад:

- ◆ жамғармаларни кадрсизланишдан ишончли ҳимоя қилиш;
- ◆ юқори даромад олиш;
- ◆ маблағларни узоқ муддатли истиқболларга жойлаштириш;
- ◆ қисқа муддатли инвестицияларнинг ўсишини таъминлаш.

Хўжалик юритувчисубъектларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятининг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- ◆ керакли ҳажмда молиявий ресурсларга эга бўлиш;
- ◆ капитални сақлаш ва кўпайтириш;
- ◆ юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш орқали даромад олиш ва х. к.

Ушбу юқорида санаб ўтилган вазифаларни ечиши учун турли хил инвестиция фаолиятини амалга оширади (4-жадвал).

4-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятининг асосий турлари

№	Инвестиция фаолиятининг турлари	Инвестиция капиталини олиш шартлари
1	Муомалага чиқарилган акцияларни жойлаштириш	Акциянинг юқори ликвидлиги, жозибали дивиденд сиёсати, молиявий барқарорлик
2	Облигацияларни муомалага чиқариш ва жойлаштириш	Юқори фоизли, қопланиш имкониятининг мавжудлиги.

3	Акцияларни қўшимча эмиссия қилиш	Эгалик ҳуқуқини сотиб олиш, бошқаришда иштирок этиш имконияти, дивиденд олиш хохиши.
4	Ҳосила қимматли қоғозларини (Америка Депозитар Қоғози) муомалага чиқариш.	Бирламчи қимматли қоғозларнинг ликвидлигининг юқорилиги.
5	Опционларни муомалага чиқариш	Маълум миқдордаги қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳуқуқини сотиш
6	Фьючерс ва Форвард контрактларини муомалага чиқариш	Келажакда қимматли қоғозлар, товар, ва хизматларнинг контрактини тузиш вақтидаги келишилган баҳода сотиш.

Ушбу мақсадга эришиш кўп жиҳатдан корхонада инвестиция фаолияти ҳисобининг тўғри ташкил қилинганлиги ва юритилиши билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобининг инвестиция фаолияти билан боғлиқ муаммолармавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигида 2000 йил 1 июлда 930 сон билан рўйхатга олинган 21-сонли БХМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»да (кейинчалик Йўриқнома) акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар ҳисобда «харид баҳоси» бўйича акс эттирилиши кўзда тутилган. Маълумки, «харид баҳоси» - бу сотиб олинган қимматли қоғознинг сотиб олиш қиймати ҳамда эмитетга тўланадиган мукофот, чегирма суммаси (яъни олди-сотди шартномасидан келиб чиққан ҳолда, қимматли қоғозларнинг бозор баҳоси) тушунилади. Қимматли қоғозларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ қўшимча харажатларни ҳисобда акс эттириш кўзда тутилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 16-январда 596-сон билан рўйхатга олинган 12-сонли «Молиявий инвестициялар ҳисоби» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида молиявий инвестициялар сотиб олинаётганда харид қиймати бўйича баҳоланиши кўзда тутилган. Буларга:

- ◆ шартномага асосан сотувчига тўланадиган сумма;
- ◆ қимматли қоғозларни харид қилиш билан боғлиқ маслаҳат, хизмат ва маълумотлар учун корхона ва жисмоний шахсларга тўланадиган сумма;
- ◆ воситачи корхоналар иштироки билан харид қилинган қимматли қоғозлар бўйича тўланадиган мукофотлар;
- ◆ банк хизмати ва бож тўловлари;
- ◆ бевосита қимматли қоғозларни харид қилиш билан боғлиқ, бошқа харажатлар киради.

Йўриқномада қимматли қоғозларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ қўшимча харажатларни ҳисобда акс эттириш кўзда тутилмаган.

Узоқ ва қисқа муддатли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар дастлаб 0870 «Қимматли қоғозларни сотиб олиш» счётада йиғилиб, сўнг 0610 ёки 5810 счётининг дебетиде акс эттирилиши керак.

Маълумки, ҳозирги вақтда узоқ муддатли молиявий қўйилмаларнинг асосий объекти акциялар ва облигациялар ҳисобланади.

Бошқа корхоналарнинг акцияларини тўлиқ ёки қисман тўлов шартлари асосида харид қилиш мумкин. Қисман тўлов натижасида юзага келган харажатлар инвестиция таркибига қачон инвестор тегишли қимматли қоғоз бўйича барча ҳуқуқларни қўлга киритгандан сўнг қўшилади (дивиденд олиш, хўжалик юритувчи субъектини бошқаришда иштирок этиш ва шу кабилар). Бундай ҳолда қимматли қоғознинг тўланмаган қиймати кредиторлик қарзи таркибиде акс эттирилиши лозим ва бухгалтерия ҳисобида 6890- «Бошқа мажбуриятлар» счётида юритилади.

Агар харид қилинган акциянинг қисман тўлови тегишли ҳуқуқларни бермаса, у ҳолда тегишли киритилган сумма дебиторлик қарзи сифатида қаралиши лозим ва 4320 – “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли активлар учун берилган бўнақлар счёти”да юритилади.

Корхоналарнинг қарзли қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолияти асосан хўжалик субъектларининг облигацияларига молиявий қўйилмалар шаклида амалга оширилмоқда.

Хўжалик юритувчисубъектларининг облигациялари балансга ҳақиқий харажатлар суммасида кирим қилинади. Бунда инвесторлар уларнинг муомала муддати давомида облигацияларнинг номинал қиймати ва ҳақиқий харажатлар суммаси ўртасидаги фарқни ўзининг даромадининг кўпайиши ёки камайишига бир хил меъёрга олиб бориш ҳуқуқига эга. Облигацияларнинг ҳақиқий қиймати муомала муддати давомида номинал баҳосигача етказилади.

Миллий ҳисоб тизими талабларига мувофиқ яъни, 12-сонли «Инвестициялар ҳисоби» БҲМСда, улушли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни сотиб олиш қиймати ва қоплаш қиймати орасидаги фарқ дисконт ёки сотиб олишдаги мукофот инвесторлар томонидан инвестиция турлари бўйича доимий равишда даромад бўлиши учун сотиб олинган вақтдан бошлаб, қоплаш муддатида даромад ҳисобига олиб борилади

Облигацияларга қўйилган маблағлар уларнинг номинал қийматига боғлиқ бўлган қатъий фоизни олишни, ҳамда облигация қоплангандан (сўндирилгандан) сўнг номинал қийматини олишни назарда тутди. Шунинг учун, облигацияни қоплаш муддати келганда ҳақиқий ваноминал баҳолар орасидаги фарқ тенглашиши учун баҳолари орасидаги фарқ амортизация қилинади. Буни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

♦ облигация номинал баҳодан юқори баҳода сотиб олинганда, олинган даромад ҳисобидан, облигация бўйича фоизларни олиш вақтида, баҳолар

орасидаги фарқ қисмини ҳисобидан чиқариш орқали, ҳақиқий қиймат номинал баҳога етказилади;

♦ облигация номинал баҳодан паст баҳода яъни дисконт билан сотиб элинганда, облигацияга эгалик қилиш вақт давомида облигация бўйича олинган фоиз даромадини ошириш ҳисобига, уни қоплаш муддати келгунга қадар, сотиб олинган баҳо номинал баҳога етказилади.

Облигациянинг сотиб олинган ҳақиқий баҳоси ва номинал баҳоси орасидаги фарқ, унинг муомала муддати давомида молиявий-хўжалик фаолиятига икки хил усул билан олиб бориш мумкин:

♦ облигация номинал баҳодан юқори баҳода сотиб олинганда ҳақиқий баҳо номинал баҳога қийматлар орасидаги фарқни ҳар ойда зарар ҳисобига ўтказиш орқали етказилади;

♦ облигация номинал баҳодан паст баҳода яъни дисконт билан сотиб олинган ҳолда, сотиб олинган баҳо номинал баҳога ҳар ойда қийматлар орасидаги фарқ қисмини фойда ҳисобига олиб бориш орқали етказилади.

Бухгалтерия ҳисобининг амалдаги стандартлари талабларига кўра хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ барча маълумотларни бериб боришлари лозим.

Бухгалтерия балансида инвестициялар тоифалари бўйича акс эттирилиб, унинг узок муддатли активлар қисмида узок муддатда, жорий активлар қисмида эса бир йилгача муддатда даромад олиш мақсадида йўналтирилган инвестициялар қиймати акс эттирилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда инвестицияларни сотилиши натижасида олинган даромад ва бу даромадни яратиш билан боғлиқ харажатлар, дивидендлар, роялти, ижара ҳақи ва фоизлар кўринишидаги даромадлар ҳамда ҳисоб сиёсатида кўра инвестицияларни қайта баҳолашдан олинган фойда ёки зарар суммалари тегишли моддалар бўйича ўз аксини топади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда инвестицияларининг кирими ва чиқими билан боғлиқ пул оқимларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Жумладан пул оқимларининг тушум қисмида инвестицияларни, асосий восита ва бошқа активларни сотиш натижасида келиб тушган пул маблағлари, дивиденд, роялти, фоизлар кўринишидаги пул маблағлари кўрсатилса, чиқим қисмида эса қимматли ва қарз қоғозларини ҳамда асосий восита ва бошқа активларни сотиш натижасида келиб тушган пул маблағлари кўрсатилади.

Хусусий капиталнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда ҳисоб сиёсатида кўра инвестицияларни қайта баҳолаш натижаларини қўшилган капитал ёки тақсимланмаган фойдага таъсири орқали капиталнинг ўзгариши билан боғлиқ хўжалик муомалалари ўз аксини топади.

Молиявий ҳисоботларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ қуйидаги ахборотлар ёритилади:

1. Қимматли қоғозларга нисбатан белгиланган корхона ҳисоб сиёсати, жумладан:
 - қимматли қоғозларни ҳаққоний қийматини аниқлашда қўлланиладиган усуллар;
 - қимматли қоғозларни қайта баҳолаш пайтида юзага келадиган фарқларни ҳисобдан чиқариш усуллари.
2. Қимматли қоғозлардан фоизлар, роялти, дивидендлар ҳамда инвестицияларни олди-сотдисидан тушган катта миқдордаги тушумлар;
3. Молиявий қўйилмалар тўғрисидаги ахборотлар:
 - инвестициялар таркибида бозор қийматини аниқлаш имконияти бўлмаган қўйилмалар мавжуд бўлса, бу ҳолатга тўсқинлик қилаётган сабаблар тўғрисидаги маълумотлар;
 - инвестициялар бўйича бир тоифадан иккинчисига ўтказиш ҳолатлари юз берган бўлса, уларнинг суммаси;
 - инвестициялар бўйича мавжуд бўлган чекловлар.
4. Қайта баҳолаш қийматида ҳисобга олинган узоқ муддатли инвестициялар бўйича:
 - қайта баҳолашни ўтказиш даврини белгилаш бўйича корхона сиёсати;
 - охириги қайта баҳолаш санаси;
 - қайта баҳолашнинг асоси ва ташқи баҳоловчини жалб қилиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумот;
 - ҳисобот даврида қайта баҳолашсўммасида юз берган ўзгаришлар ва уларнинг тавсифи ва бошқа маълумотларҚимматли қоғозлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилиши учун баҳоланади.

Қимматли қоғозларни баҳолаш услуги ва баҳолар турларига, ҳамда уларнинг маълумот фойдаланувчилари учун манба бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг шаклланишига таъсирини аниқлаш каби муаммолар муҳим аҳамиятга эга.

Қимматли қоғозларни баҳолашнинг бир қанча турлари мавжуд: номинал, эмиссия, бозор, баланс баҳолари ва ҳ.к. Қимматли қоғозларни баҳолаш турларини таснифлашда, уларни ҳисобга оладиган субъектлар мавқеи муҳим аҳамиятга эга. Сабаби эмитент учун бир турдаги баҳолар аҳамиятли бўлса, инвестор учун эса бошқа турдаги баҳолар аҳамиятлидир.

Эмитентлар қимматли қоғозларни номинал, эмиссия, бозор, қайтариб олиш, ликвидация қийматларида ҳамда активларнинг соф қийматидан келиб чиқиб, акция қийматида баҳолаши мумкин. Инвесторлар учун баҳолар турлари ичида номинал, бозор, баҳо аҳамиятлидир.

Номинал баҳо асосан акция ва облигациялар учун мажбурий реквизит ҳисобланади. Номинал баҳо қимматли қоғозларни муомалага чиқарилиши билан юзага келади. Демак, акциянинг номинал қиймати устав капиталини шакллантириш вақтида бир дона акцияга тўғри келадиган қисмини билдиради. Облигациянинг номинал қиймати эса ўз навбатида эмитентнинг

кредиторга қарз шартида кўрсатилган вақтда облигацияни қоплаш муддатини англлатувчи қарз суммасини билдиради. Эмиссия қийматининг таснифи учун бозор баҳоси ва унинг шаклланиш механизмини иқтисодий тоифаларга бўлиб ўрганиш лозим.

Бозор баҳонинг шаклланиш механизми, талаб ва таклиф асосида, биржа ва биржадан ташқари курс қийматини ҳисоблаш орқали аниқланади.

Фикримизча қимматли қоғозларга молиявий қўйилмаларни амалга оширувчи барча корхона ва ташкилотлар учун долзарб масалалардан бири, қимматли қоғозлар қадрсизланишидан заҳиралар тузиш ва унинг ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқдир. Бунда молиявий ҳисоботларнинг шакллари тўлдириш тартиби бўйича Қоидага мувофиқ, бухгалтерия ҳисоботини тузиш вақтида бошқа корхоналар акцияларига қилинган молиявий қўйилмаларни ҳисобда агар уларнинг қиймати баланс (ҳисоб) баҳосидан паст бўлса, ҳақиқий бозор баҳоси бўйича акс эттирилади.

Ушбу тартиб фонд биржада акциялари савдоси мунтазам равишда амалга ошириладиган, акциялари котиловкаланадиган ва баҳолари матбуотда доимий чоп этиб бориладиган хўжалик юритувчи субъектларининг акцияларга таълуқлидир.

12-сонли «Инвестициялар ҳисоби» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига мувофиқ, қисқа муддатли (жорий) инвестициялар бухгалтерия балансида:

- ◆ бозор баҳода;
- ◆ иккаласидан паст баҳода: харид баҳосида ва бозор баҳосида акс эттирилади.

Узоқ муддатли инвестициялар эса балансида:

- харид баҳоси бўйича;
- қайта баҳолашни ҳисобга олиш қиймати бўйича;
- инвестиция портфели усули бўйича аниқланган харид баҳо ва бозор баҳосидан паст баҳода акс эттирилади.

Қисқа муддатли (жорий) инвестициялар ҳисобини бозор баҳосида юритувчи хўжалик юритувчи субъект ўзининг ҳисоб сиёсатида инвестициялар баланс қийматининг ўсиши ва ёки камайишини даромад ёки харажат сифатида акс эттиради.

Узоқ муддатли инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида уларни баҳолаш суммаси хусусий капитал бўлимида даромад сифатида акс эттирилади. Узоқ муддатли инвестициялар баҳосининг пасайиши эса хусусий капитал бўлимида олдин акс эттирилган инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида юзага келган суммаси ҳисобига олиб борилади. Агар инвестициялар қийматининг пасайиш суммаси қайта баҳолаш натижасида даромад суммасидан ошиб кетса, у ҳолда ушбу фарқ харажат сифатида тан олиниши лозим. Қиймати пасайган инвестицияларнинг қайта баҳолаш суммаси, айнан шу инвестициялар бўйича зарарлар қоплангандан кейин, қолган сумма, хусусий капиталнинг кўпайишига олиб борилади.

Қимматли қоғозлар қадрсизланиши бўйича заҳиралар йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш вақтида акциянинг ҳисоб баҳосининг бозор баҳосидан ошиб кетиши ҳолати аниқлангандан сўнг тузилади.

Одатда фонд биржада ёки матбуотда котировка қилинаётган акцияларнинг савдо-сотиғи битим имзоланган санадаги бир дона акциянинг минимал ва максимал баҳоси белгиланади. Баҳосига аниқлик киритиладиган акцияларнинг бозор баҳосини аниқлаш, ҳамда уларни йилик бухгалтерия балансида акс эттириш учун котировка жадвалларида кўрсатиладиган битимнинг бир дона акцияга тўғри келадиган ўртача тортилган баҳосини кўлланади.

Агар бундай маълумотлар йўқ бўлиб, фақат акциялар сотуви ҳажми ва сотилган акциялар сони келтирилган бўлса, бунда битимнинг бир дона акцияга тўғри келадиган ўртача баҳосини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин⁸:

$$B = \frac{AcB}{Cac}$$

Бунда: B- битимнинг бир дона акцияга тўғри келадиган ўртача баҳоси;

AcB - эмитент акцияларининг сотилган битим суммаси;

Cac - сотилган акциялар сони.

Агар йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш вақтида котировка жадвалида керакли (қизиқтирган) акция котировкаси тўғрисида маълумот келтирилмаган бўлса, у ҳолда йиллик балансида бундай акциялар баҳосига аниқлик киритиш учун ҳисоботни тузиш вақтига яқин котировка маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

Қимматли қоғозлар билан бўладиган жараёнлар маблағларни қўйишнинг анча хатарли йўналишидир. Шунинг учун, улар бўйича заҳиралар тузиш ва қайта баҳолаш тартиби амал қилади.

Бухгалтерия балансини тузиш вақтида қимматли қоғозларнинг баҳоланиши муҳим ўрин тутди. Ўзбекистан Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 7-февралдаги 31-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Молиявий ҳисоботларнинг шакллари тўлдириш тартиби бўйича Қоида»га асосан, молиявий қўйилмалар (қимматли қоғозларга инвестициялар, бошқа корхоналар устав капиталига киритилган улуш, берилган қарзлар) бухгалтерия балансида инвесторнинг ҳақиқий харажатлари бўйича акс эттирилиши кўзда тутилган.

Қимматли қоғозлар фонд бозорида муомалада бўлиш жараёнида баланс баҳо ва номинал баҳо ўртасидаги фарқ уларнинг муомала муддати давомида хўжалик фаолияти натижасига олиб борилади.

⁸Абдуллаев А., Мўминов Э., Юсупова М., Солиев Б., Рустамов Қ. Молиявий ҳисоб. Дарслик. - Т.: Фан ва технология, 2005. – б. 288

Хулоса

Мамлакатимизда фаолият юритаётган қимматли қоғозлар бозори вазифаси амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар самарадорлигини оширишга ҳамда ушбу бозор ёрдамида иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда унинг ролининг иқтисодиётни мувофиқлаштирувчи механизм сифатида ошиб бориши билан қимматли қоғозларга қилинадиган молиявий қўйилмаларнинг долзарблиги ҳам кун сайин ошиб бормоқда.

Бугунги кунда қимматли қоғозлар билан нафақат банклар ва фонд бозорининг профессионал иштирокчилари, балки қимматли қоғозлар жараёнидан даромад олиш мақсадида корхоналар ва ташкилотлар ҳам ўзларининг бўш турган молиявий маблағларини ушбу йўналишга қўйишмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришида қатор муаммолар мавжуд. Бунга ҳали ҳам қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларда тафовут мавжудлиги ҳамда амалиётдаги мавжуд муаммолар ҳаммаълум даражада тўсқинлик қилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитининг энг муҳим талабларидан бири, бу корхона ва ташкилотлар ўзларининг молиявий ҳисоботларини эълон қилишлари, шунингдек, молиявий ҳисобот маълумотлари барча фойдаланувчилар, хусусан, чет эл инвесторлари, акциядорлар, таъсисчилар учун ҳам тушунарли бўлиши лозим. Мана шу каби омиллар, деярли барчасоҳаларда бўлгани каби бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш ва уни юритишнинг халқаро стандартлар талабларига мослаштиришни объектив заруриятга айлантириб қўйди.

Молиявий ҳисобот шаклларининг айримларидан ҳам ички ҳам ташқи маълумот фойдаланувчилар нуқтаи назаридан тўлиқ ва керакли ҳажмда маълумот олиш имконият даражаси паст.

Бозор иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларида молиявий маблағларини самарали бошқариш, молиявий барқарорлик масалаларининг долзарблиги ортиб бормоқда. Молиявий барқарорликни баҳолашнинг амалиётдаги мавжуд анъанавий усуллари аксарият ҳолларда корхонанинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги тўғрисида аниқ тасаввурни бермаслиги маълум бўлмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning mamlakatimizni 2013-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2014-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma‘ruzasi. Xalq so‘zi. № 13, 18.01.2014й.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 56 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010й.
4. Ўзбекистон республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни.-Т.: 2008 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. –Т.: 1996.
6. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни (янги таҳрири). –Т: 2000й.
7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 2011 йилҳолатига ўзгартиришлар билан.-Т.: 1996 й.
8. Молиявий ҳисобот шакллари, 2002 йил 27 декабрда ЎзР молия вазирлигининг 140-сонли буйруғи билан тасдиқданган.
9. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари Тўплами. Т.: “Norma”-2011.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 – сонли қарори билан тасдиқланган (ЎзР ВМ 11.03.2009 й. 63-сон Қарори билан ўзгартиришлар киритилган) “Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом.
11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида» низом. ЎЗ АВ томонидан 1192-сон билан рўйхатга олинган –Т.: 2002 й.
12. Д.А.Сатывалдыева. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари ҳисобининг назарий ҳамда услубий асослари. Монография.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.-106 бет.
13. Бреславцева Н.А., Михайлова Н.В., Гончаренко О.Н. Бухгалтерский учет. Учебник. Ростов н/Д: Феликс, 2012, 318 стр.
14. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Янги нашр», 2011 й, 312 бет.
15. Холбеков Р.О. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. -Т.: “Чўлпон” нашриёти. 2011, 200 бет.
16. Нечитайло А.И. Теория бухгалтерского учета: учеб. Россия . -М.: Проспект, 2010. – 272 с.
17. Каримов А.А. Бухгалтерия ҳисоби. /Дарслик -Т.: Шарқ, 2004.-592 б.